ТИЛ ВА АДАБИЁТ МАСАЛАЛАРИ

№7

ғайратлари ва эзгу амаллари, инсоний сифатларининг мужассамини Аллоҳга ва унинг расулига муҳаббатининг ифодаси сифатида талқин этади. Мазкур тарих дарслигида бу тўрт асл халифанинг халифалик ҳаёти ҳақида ўқувчиларга тўлиқ маълумот беради. Ҳазрати Алидан кейин халифалик мусулмонлар Имоми Ҳасанни халифа этиб тайинлаганликлари, Имоми Ҳасаннинг ўзи Муовияга тенг келолмаслигини сезиб, истеъфо бериб, халифаликни Муовияга топширганлиги билан иккинчи боб якунланади. Муаллиф асарни бобларга ажратишда воқеликларга, уларнинг мазмунига алоҳида эътибор қаратади, яъни иккинчи бобда мусулмонлар кимни хоҳлашса ва лозим топишса, уни халифа даражасига кўтарганлиги, тўрт халифа ҳам мана шу йўл билан халифалик фаолиятини олиб борганлиги изоҳланади. Муаллиф халифаликнинг янги бир тартибини асарнинг "Уммавийлар ва аббосийлар" деб сарлавҳаланган 3-қисмида баён этади, яъни Муовиянинг халифаликка ўзгартиришлар киритиши, халифаликда наслий сулолани расм қилиб, ўз ўғли Язидни валиаҳд қилиши, улар Уммия қабиласидан бўлганлиги учун уммавийлар деб аталганлиги, уларнинг халифалик даврлари тўқсон етти йил давом этиб, 14 нафар киши халифалик қилганлиги ҳақида умумий маълумот берилади. Бобда Муовия, Язид, Валид бинни Абдумалик, Мирвон бинни Муҳаммад ҳақида баён қилади.Асарда ҳар бирларнинг ҳаракатлари аниқ ва тўғри таҳлил қилинган. Уммавийларнинг энг охиргиси Марвон бинни Муҳаммад даврида бу давлатнинг қандай завол топганлиги аниқ манзараларда тасвирланган. "Уммавийлар давлатининг асоси аввалги ҳукмдорларнинг бахтсизликлари, зулм ва фисқлари билан қопланган"лиги, "халқ ҳар тарафдан исён қилиб, Марвонни Абу Муслим Хуросоний зоҳир бўлғон замонга қадар саргардон қилган"ликлари ҳақида ёзар экан, эронли миллатпарварлардан Або Муслимнинг халқни тўплаб, "уммавийлар халифаликни (ноҳақ) эгаллаб олганлар, улардан халифаликни олиб, асл соҳибларига топширурмиз" деган даъвати мусулмонларга маъқул келиб, унинг атрофига жамъ бўлиб, Марвон лашкарларига шикат етказганликларини кенг ва батафсил баён қилади. Китобда уммавийликдан кейин фаолият олиб борган аббосийлар халифалиги ҳақида, улардан энг машҳурлари Хорун-ар-Рашид, Маъмун, охиргиси Мустаъсим Биллоҳнинг халифаликда қай йўлни тутганлиги ҳақида ўқувчиларга тушунтиради. Хорун-ар-Рашид

аббосийларнинг бешинчи халифаси бўлиб, "исломнинг буюк подшоҳларидан" бўлганлигини таъкидлайди. Маъмун Хорун-ар-Рашиднинг ўғли бўлиб, аббосийларнинг еттинчи халифаси бўлганлиги, илм ва маърифат тараққиёти йўлида отасидан қолишмаслиги мисоллар орқали изоҳланади. Мазкур бобда аббосийлар давлатири орқали Мустаъзим Биллоҳ халифалиги билан барҳам топганлиги ва унинг сабаблари чуқур таҳлил қилинади.

Абдурауф Фитрат "Мухтасар ислом тарихи" асарида ўтган қавмлар, уларнинг умумий аҳволи, ҳазрати Пайғамбаримизнинг сийратларини тушунтиради, сифатларини ўқувчиларга ибрат ва дастуриламал қилиб нақл этади. Пайғамбаримиздан кейинги халифалик даври ва халифалар ҳаёти ва уларнинг олиб борган ҳатти-ҳаракатлари муҳокама қилиб, уларнинг тоифаларга ажратади, олиб борган сиёсатларининг турлари, даражаларини ўрганади, айниқса, халифалик давлатларининг пайдо бўлиб, инқирозга юз тутиши сабабларини ўрганди ва чуқур таҳлил қилиб ўқувчиларга тўғри ва содда йўл билан тушунтиради.

"Мухтасари тарихи ислом" Фитрат домланинг ислом тарихи илмининг билимдони бўлганликлари, тарих илмини тарғиб-ташвиқ қилишда ҳам маҳоратлари юксаклигини далиллайди.

АРУЗШУНОСЛИК ТАРИХИДА ДОИРА ТАЛҚИНИ: МУШТАРАК ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАР

Дилнавоз Юсупова,
Алишер Навоий номидаги
ТошДЎТАУ доценти,
филология фанлари номзоди

Халил ибн Аҳмад кашф қилган аруз илмини ўрганиш билан боғлиқ босқичлардан бири доиралар ҳақидаги таълимотдир. *Аруз доиралари* бу рукнлар, улардаги чўзиқ ва қисқа ҳижолар сонининг тенглигига кўра ўзаро яқин бўлган баҳрларнинг гуруҳлаштирилган айланаси бўлиб, "араб филологиясининг отаси" баҳрларнинг ўзлаштирилишини осонлаштириш мақсадида ушбу доираларни кашф қилган. Бунда бир-бирига яқин бўлган баҳрлар бир мисра шеър мисолида бир доира ичида келтирилади. Ҳар қайси доира қанча баҳрни ўз ичига олса, шунча бўлакка бўлинади ва уларда шу баҳрларнинг рукнлари ҳам келтириб ўтилади. Доира атрофида

берилган мисра биринчи сўздан бошлаб ўқилса, бир баҳр, иккинчи сўздан бошлаб ўқилса, иккинчи баҳр, учинчи сўздан бошлаб ўқилса, учинчи баҳр ва шу тарзда нечта баҳр жамланган бўлса барчаси келиб чиқади. Доиралардан мақсад баҳрлар орасидаги фарқ ва умумийликни очиш ҳамда шу билан бирга уларни ўзлаштириш ва шеър вазнларини аниқлашни осонлаштиришдир.

Юқорида таъкидланганидек, доиралар бир-бирига яқин баҳрлардан тузилиши зарур. Шу маънода форсий ва туркий арузда кенг қўлланилган *Ҳазаж*, *Ражаз* ва *Рамал* баҳрларини бир доирага киритиш мумкин, чунки улар таркибан (мумтоз арузшуносликка кўра, ватад ва сабабларнинг теңглиги бўйича; замонавий арузшуносликка кўра, ҳижолар миқдори ва сифатининг ўхшашлигига кўра) бир хил асосга эгадирлар. Масалан, Навоий келтирган

Кўнгул қон бил висолингда, ғами ҳижрон хаёлидин

мисрасини айнан шу тартибда ўқисак, *мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун* рукнларидан ташкил топувчи *Ҳазаж* баҳри, агар

Қон бил висолингда, ғами ҳижрон хаёлидин кўнгул

тарзида ўқилса, *мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун* рукнларидан ҳосил бўлувчи *Ражаз* баҳри ҳамда

Бил, висолингда ғами ҳижрон хаёлидин кўнгул қон

тарзида ўқилса, *фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун* рукнлари такроридан ясалувчи *Рамал* баҳри ҳосил бўлади. Буни доира шаклида қуйидаги айланада кўриш мумкин[1]:



[1] **Алишер Навоий.** Мезон ул-авзон. ТАТ. 10 жилдлик. Ж.10. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.540.

Манбаларда Халил ибн Аҳмад бешта доира кашф этганлиги ҳақида маълумот берилади[1]. Таъкидланганидек, унинг арузга бағишланган асари бизгача етиб келмаганлиги учун биз бу доиралар билан унинг издошлари асарлари орқали танишамиз. Халил доиралари ҳақида Маҳмуд Замахшарийнинг "Ал-қистос" ҳамда Хатиб Табризийнинг "Ал-кафий фил аруз фил-қавофий" ("Арузи ва қофиялардан кифоя этувчи") асарларида маълумот келтирилади[2]. Ушбу доираларнинг биринчиси "Доираи мухталифа" (*доираи хил, ихтилофли*) деб номланиб, *Тавил*, *Мадид* ва *Басит* баҳрларини ўз ичига олади. Мазкур доиранинг бу тарзда номланишига сабаб ушбу баҳрлар турли, яъни таркибан икки хил асосий рукн (хумосий – беш ҳарфли ва субоъий – етти ҳарфли)лардан таркиб топади. Хусусан, *Тавил* фаувлун (*V*– –) ва мафоийлун (*V* – – –), *Мадид* фоилотун (– *V*– –) ва фоилун (– *V* –), *Басит* мустафъилун (– –*V* –) ва фоилун (– *V* –) рукнларининг ўзаро алмашиниб такрорланишига асосланади.

Шамс Қайс Розий "Ал-мўъжам"да араб арузига хос баҳрлардан тузилган ушбу доирани келтирмайди. Насириддин Тусий рисоласида бу доирага *Тавил*, *Мадид* ва *Басит* баҳрларига қўшимча тарзда яна икки баҳр: *Мақлуби тавил* (*Ариз*) ҳамда *Мақлуби мадид* (*Амиқ*) баҳрлари ҳам киритилган (15-иловага қаранг)[3]. Бунда ***Тавил*** баҳрига мансуб мисра қуйидагича бошланади:

Ба ман бар / гузар, эй маҳ, / ба ман дар / нигар гаҳ-гаҳ.
Фаувлун мафоийлун фаувлун мафоийлун
V – –/ *V* – – – / *V* – – / *V* – – –

Агар доира таркибидан ***Мадид*** баҳрини ажратиб олмоқчи бўлсак, қуйидагича мисра ҳосил бўлади:

[1] **Маҳмуд Замахшарий.** Ал-Қистос ал-мустақим фи илм-ил-аруз. – Байрут: Мактабат ул-маориф, 1989. – С. 16; **Шамс Қайс Розий.** Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандаи чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С.37. **Насируддини Тўсий.** Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С. 39.

[2] **Маҳмуд Замахшарий.** Ал-Қистос ал-мустақим фи илм-ил-аруз. – Байрут: Мактабат ул-маориф, 1989. – С. 52; **Абу Закарийа (ал-Хатиб) ат-Тибризи.** Ал-кафи фи-л-аруд ва-л-кавафи (Перевод с арабского, исследование и комментарий Д.В.Фролова) / Классический арабский стих. История и теория аруда. – М.: Наука, 1991. – С. 245-343.

[3] **Насируддини Тўсий.** Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С.31.

Баргузар, эй / маҳ, ба ман / дарнигар гаҳ / гаҳ ба ман
Фоилотун фоилун фоилотун фоилун
– V – – / – V – / – V – – / – V – /

Ариз баҳри:

Гузар, эй / маҳ, ба ман дар / нигар гаҳ-/ гаҳ ба ман бар
Мафоийлун фаулун мафоийлун фаулун
V – – – / V – – / V – – – / V – –

Басит баҳри:

Эй маҳ, ба ман дарнигар, гаҳ-гаҳ ба ман баргузар
Мустафъилун фоилун мустафъилун фоилун
– – V – / – V – / – – V – / – V –

Амиқ баҳри:

Маҳ, ба ман дарнигар гаҳ-гаҳ ба ман баргузар эй
Фоилун фоилотун фоилун фоилотун
– V – / – V – – / – V – / – V – –

Демак, кўринадики, Насируддин Тусий рисоласидаги "Доираи мухталифа" араб салафидан фарқли равишда учта баҳр эмас, балки бешта баҳрдан иборат экан.

Халил ибн Аҳмад келтирган иккинчи доира "Доираи муъталифа" деб аталиб, *Вофир* ва *Комил* баҳрларини ўз ичига олади. Бу икки баҳр рукнлари: мафоилатун (*V –VV –*) ва мутафоилун (*VV–V–*) бир-бири билан яқин, яъни ҳижолар сони ва сифатига кўра тенг бўлгани учун доира шундай ном билан аталган. Шамс Қайс Розий бу баҳрлар ҳам асосан араб арузига хос бўлганлиги учун ушбу доирани келтирмайди. Насириддин Тусий рисоласида ушбу доирага *Вофир* ва *Комил* баҳрларига қўшимча тарзда *фоилотака* (*–V– VV*) рукнидан ҳосил бўлувчи янги баҳр (номи келтирилмаган) ҳам киритилган [1].

Вофир баҳри:

Бигў, дили ман / кучо талабам /зи баҳри Худо.
Мафоилатун мафоилатун мафоилатун
V –VV – V –VV – V –VV –

Комил баҳри:

Дили ман кучо / талабам зи бах / ри Худо, бигў.
Мутафоилун мутафоилун мутафоилун
VV–V– VV–V– VV–V–

[1] **Насируддини Тўсий.** Меъёр-ул-ашъор / Ҳозиркунандаҳои чоп У.Тоиров, М.Абдуллоев, Р.Чалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С.32.

Йиги баҳр

Ман кучо тала /бам зи баҳри Ху / до бигў, дили.
фоилотака фоилотака фоилотака
–V– VV –V– VV –V– VV

Халил ибн Аҳмад таълимотига мансуб учинчи доира "Доираи мухталиба" *(жалб этувчи, ўзига тортувчи)* деб аталиб, *Ҳазаж*, *Рамал* ва *Ражаз* баҳрларидан тузилган. Бу доирани "мужталиба" деб аташларига сабаб, ундаги рукнларни "Доираи мухталифа"дан олиб олганлар, яъни мафоийлун (*V – – –*) *Тавил* баҳридан, мустафъилун (*– –V –*) *Басит* баҳридан ва фоилотун (*–V– –*) *Мадид* баҳридан ажратиб олинган. Бундан ташқари, ушбу доирадаги баҳрларнинг кўп навъларга эга эканлиги ҳам шундай номланишга сабаб бўлган деб кўрсатилади[1]. Араб арузида ушбу доира мусаддас рукнларни ўз ичига олган, ажам шоирлари эса уни мусамман рукнли қилганлар. Шамс Қайс Розий рисоласида ушбу баҳрлардан тузилган доира "Доираи муъталифа" номи билан келтирилган. Унда Розий *Ҳазаж*, *Рамал* ва *Ражаз* баҳрларига хос аслий рукнлар тартибан бир хил (икки сабаби хафиф, бир ватади мажмуъ) жанлигидан келиб чиқиб, доирани шундай номлаган. Умуман олганда, форсий арузшуносликда доира номларини ўзгартириш тамойили Шамс Қайс Розийдан бошланади. Розий доирасида келтирилган мисра

Дило бас чан / д аз ин савдо/ и он дилдо / р парвардан
V – – – / V – – – / V – – – / V – – –

тарзида ўқилса, *Ҳазаж* баҳри; агар

Бас чанд аз ин / савдои он / дилдор пар / вардан дило
– – V – / – – V – / – – V – / – – V – /

тарзида ўқилса, *Ражаз* баҳри ва агар

Чанд аз ин сав / дои он дил/ дор парвар/ дан дило бас
– V – – / – V – – / – V – – / – V – – /

тарзида ўқилса, *Рамал* баҳри ҳосил бўлади.

Насириддин Тусий рисоласида эса ушбу доира аслиятдаги каби "Доираи мужталиба" номи билан келтирилган. Тусий мазкур доиранинг рукнлари субоъий (етти ҳарфли) эканлигини таъкидлайди ҳамда доира ичидаги мисра арабларда мусаддас (уч рукнли), форсийларда мусамман (тўрт рукнли) эканлигини айтади[2].

[1] **Тоиров У.** Фарҳанги истилоҳоти арўзи ажам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С.336.
[2] **Тусий Н.** Меъёр ул-ашъор. – Душанбе: Ориёно, 1992. – С.33.

Лекин Тусийнинг ўзи мисол тариқасида келтирган мисра мусаддас рукнли бўлиб, бунда Тусий ўзи таъкидлаганидек, Халил ибн Аҳмад доирасидаги таркибни сақлашга интилган кўринади. *Ҳазаж* баҳри изоҳи учун келтирилган мисрани кўриб чиқсак:

Маро дил бе / дилороме / наёромад.
Мафоийлун мафоийлун мафоийлун
V – – – V – – –/ V – – –

Шу мисра *Ражаз* баҳрига мосланганда қуйидаги кўриниш олади:

Дил бе дило / роме наё / ромад маро.
Мустафъилун мустафъилун мустафъилун
– – V – /– – V – / – – V – /

Рамал баҳрини ҳосил қилувчи мисра:

Бе дилоро / ме наёро / мад маро дил.
Фоилотун фоилотун фоилотун
– V – – / – V– – / – V – –

Халил таълимотидаги навбатдаги доира "Доираи муштабаҳа" (*ўхшаш*) бўлиб, олти баҳрни ўз ичига олади. Булар: *Сариъ, Мунсариҳ, Хафиф, Музориъ, Муқтазаб, Мужтасс* баҳрларидир. Бу доиранинг бундай аталишига сабаб ундаги баҳрларнинг баъзи рукнлари таркибан бир-бирига ўхшаш бўлади. Масалан, *Хафиф* баҳридаги мустафъилун (– –*V* –) рукни *Мужтасс* баҳридаги мустафъилун (– –*V* –) билан бир хилдир, яъни ҳар икки рукн сабаби хафиф ("мус" –), яна бир сабаби хафиф ("таф" –) ва ватади мажмуъ ("илун" *V* – *)* дан иборат. Шу каби *Музориъ* баҳридаги фоилотун (– *V*– –) ҳам *Хафиф* ва *Мужтасс* баҳридаги ушбу рукн билан жузвлар таркиби жиҳатидан бир хил, яъни у ҳам икки сабаби хафиф ("фо", "тун" – –) ва бир ватади мажмуъ ("ило" V –)дан иборат[1].

Шамс Қайс Розийнинг "Ал-мўъжам" асарида бундай ном билан доира учрамайди, муаллиф Халил ибн Аҳмад доирасидаги *Мунсариҳ, Музориъ, Муқтазаб* ва *Мужтасс* баҳрларини алоҳида доирага киритиб, уни "Доираи мухталифа" деб атайди. Ундаги рукнлар солим эмас, балки зиҳоф кирган рукнлардир. Шамс Қайс Розийнинг фикрича, *Сариъ* ва *Хафиф* баҳрлари мусамман рукнли ҳолатда мустаъмал ва хуш оҳангга эга эмас, шу сабабли уларни мусаддас ҳолатда *Фариб*, *Қариб* ва *Мушокил* баҳрлари билан бирга

[1] **Тоиров У.** Фарҳанги истилоҳоти арўзи ажам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 321-322.

бошқа доирага киритиш мақсадга мувофиқ бўлади[1]. Доирада келтирилган мисра ***Мунсариҳ*** баҳрини акс эттириши учун уни қуйидагича бошлаш талаб қилинади:

Боз зи ман / дил рабуд / ёр зи ман / рух нуҳуфт.
Муфтаилун фоилоту муфтаилун фоилоту
– V V – / – V – V / – V V – / – V – V

Музориъ баҳри:

Зи ман дил ра / буд ёр / зи ман рух ну/ ҳуфт боз
Мафоийлу фоилоту мафоийлу фоилоту
V – – V / – V – V / V – – V / – V – V

Муқтазаб **баҳри:**

Дил рабуд / ёр зи ман / рух нуҳуфт боз зи ман.
Фоилоту муфтаилун фоилоту муфтаилун
– V – V / – V V – / – V – V / – V V –

Мужтасс **баҳри:**

Рабуд ё / р зи ман рух /нуҳуфт бо /з зи ман дил.
Мафоилун фаилотун мафоилун фаилотун
V – V – / V V – – / V – V – / V V – –

Насириддин Тусий рисоласида эса "Доираи муштабаҳа"га Халил ибн Аҳмад доирасидаги баҳрларга қўшимча равишда яна бир баҳр – *Қариб* баҳри ҳам киритилган.

Халил ибн Аҳмад арузидаги сўнгги (бешинчи) доира "Доираи мунфарида" (*якка, ёлғиз, ягона*) деб аталиб, бир баҳрдан, яъни *Мутақориб* баҳридан ташкил топган. Унинг ёлғиз шу баҳрдан иборатлилиги доира номининг шундай аталишига олиб келган. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг ёзишича, доирада фақат бир баҳр жойлашганлиги учун баъзи олимлар "араб филологиясининг отаси"га *Мутақориб*дан яна бир баҳр чиқаришни таклиф қилганлар: "Халилдин сўруптурларким, нега фаувлуннинг сабабин ватадидин олдин қўйуб, секиз бор фоилунлиғ баҳр чиқармаптурлар? Жавоб бериптурким, чунки ибтидо интиҳодин кучлирак бўлмоғи керактур. Бу доиранинг рукнлари фақат ватаду сабабдин иборат бўлғани учун ибтидосин заиф қилмоқтин ва мутақориб тартибининг аксинча якка сабабни якка ватад олдиға қўйуб бир баҳр чиқармоқтин тийиниптурлар"[2]. Бу ўринда Халил

[1] **Шамс Қайс Розий.** Ал-мўъжам / Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва ҳозиркунандаи чоп У. Тоиров. – Душанбе: Адиб, 1991. – С.78-81.

[2] **Атоуллоҳ Ҳусайний.** Бадойиъ-ус-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б.27-28.

ибн Аҳмад *Мутақориб* баҳрининг асл рукни фаулун (*V – –*) бў ватад (“фаув” *V –*) ҳамда бир сабаб (“лун” –)дан иборат эканлиги диққат қаратяпти. Агар ундан фоилун (*– V – –*)ни чиқарсалар, бу сабаб (“фо” –) олдинга ўтиб, ватад (“илун” *– V – –*) орқага ўтиб қолади ва бу “ибтидонинг интиҳодан заиф” бўлишига олиб келади[1].

Халил ибн Аҳмаддан сўнг унинг издоши Абулҳасан Аҳфаш Балхий ушбу доирага яна бир баҳр, яъни *Мутадорик*ни қўшиб, уни “Доираи муттафиқа” (*бирлашган, ҳамроҳ бўлган*) деб атайди. Муттафиқа деб номланишига сабаб фақат биргина баҳр (*Мутақориб*)дан иборат “Доираи Мунфарида”га яна бир баҳр (*Мутадорик*) қўшилган ва натижада бу икки баҳр бир-бирига ҳамроҳ сифатида ягона доирага бирлашган. Бу доирадаги мисра мусамман, яъни саккиз рукнли вазндан иборат. Шамс Қайс Розий рисоласида ҳам, Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор”ида ҳам ушбу доира номи ва унинг таркиби худди Ахфаш Балхийники сингари *Мутақориб* ва *Мутадорик* баҳрларидан иборат. Фақат Тусий рисоласида Мутадорик баҳри Ғариб номи билан келтирилган.

Мутақориб баҳри:

Маро бе дилором шодӣ наёяд.

Фаувлун фаувлун фаувлун фаувлун

V– – /V– – /V– – /V– –

***Ғариб* (Мутадорик)** баҳри:

Бе дилором шодӣ наёяд маро.

Фоилун фоилун фоилун фоилун

– V – / – V – / – V – / – V –

Юқоридагилардан маълум бўляптики, Халил ибн Аҳмаддан сўнг у кашф қилган доиралар деярли ўзгаришсиз ҳолатда ватандошимиз Маҳмуд Замахшарийнинг “Арузи Қустос” ҳамда Абу Закариё ал-Хатиб Табризийнинг “Ал-кафи фи-л аруз вал-қавофий” (“Аруз ва қофия ҳақида кифоя”) асарида келтириб ўтилган бўлса, форсий арузга доир бизгача етиб келган илк асар “Ал-мўъжам”дан бошлаб Халил ибн Аҳмад доираларига нисбатан ижодий муносабат кузатилади. Муаллиф “араб филологиясининг

[1] **Атоуллоҳ Ҳусайний** Халилнинг бу жавобига манфий муносабат билдириб, “бу жавоб нуқсондан холий эмастур”, дейди (Қаранг: Атоуллоҳ Ҳусайний. Юқоридаги манба. – Б. 28).

таълимотидаги дастлабки икки: араб арузига хос бўлган доираларни тарк этиб, қолган учта доирага ўзгаришлар киритади ва уларнинг номларини ҳам ўзгартиради. “Меъёр ул-ашъор” асарининг муаллифи эса ўзини Халил ибн Аҳмаднинг форсий шогирди санаб, у кашф қилган доираларни асосан сақлаб қолади, фақат уларнинг таркибига кейинчалик форсий арузшунослар томонидан кашф қилинган янги баҳрларни ҳам киритади.

ҒАРИБИЙ ЛИРИКАСИНИНГ ҚОФИЯ ХУСУСИЯТЛАРИ

Зоҳидова Дурдона,
филология фанлари номзоди,
доцент

Қўқон адабий муҳити вакилларидан бўлган Мулла Умрзоқ Абдували ўғли Ғарибий (Шуҳрат)[1] (1877-1961) ўз шеърий истеъдоди билан девон соҳиби даражасигача кўтарилган ижодкорлардандир. Мазкур шоир истиқлол туфайли номи ва ижоди қайта кашф этилган адабий сиймодир.

«Девони Ғарибий» – шоир назмиятининг илк тўплами. У 1911 йилда тузилган бўлиб, 5650 мисрадан иборат 422 шеърни ўз ичига олади. Девоннинг жанр таркиби хилма-хил: у ғазал, мухаммас, мусаддас, таркиббанд, таржеъбанд, рубоий, мураббаъ, таъриҳ, фард, муҳтамаллардан ташкил топган. 34 ёшида мумтоз лириканинг ўн хил жанрига қўл ургани Ғарибийнинг бу вақтга келиб яхшигина шеърий малакага эга бўлганини кўрсатади.

Ғарибий девонининг мавзу доираси кенг қамровлидир: у ўзида инсон ҳаётини фалсафий, ижтимоий, ахлоқий, маърифий, суфиёна нуқтаи назарлардан талқин этувчи шеърларни жамлаган. Девон шоир руҳий-фалсафий оламининг муҳим қирраларини ташкил этувчи бу қарашларни уйғун ва бадиий тарзда ифодаловчи мажмуадирдир. Биз қуйида ундан ўрин олинган лирик шеърлар таҳлили мисолида шоир бадиий санъаткорлигининг муҳим қирраларидан бўлган қофия қўллаш маҳорати хусусида фикр юритамиз.

[1] Мулла Умрзоқ Абдували ўғли Ғарибий 1926 йилдан кейин Шуҳрат тахаллуси билан ижод этган.

Омонов А. Лисоний бирликларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқаси... 123
Солихўжаева Ҳ. Ўзбек тили хрононим ва геортонимларининг мотивацион хусусиятлари... 127
Хайитов М. Функционирование иноязычных слов в русском языке в разные эпохи развития общества... 131
Саидова М.Ш. Понятия менталитет и ментальность в разных областях человеческих знаний... 134
Джуманазарова З. Свойства личности в аспекте ее семантических характеристика (на материале фразеологизмов)... 139
Rahmatullayev Y. Vaqt va marosim bilan bog‘liq diniy so‘zlar... 144
Madaminova S., G‘ofurova A. O‘zbek va fransuz tillarida fe’l derivatsiyasi... 147
Ahrorova O., Ashuraliyeva F. O‘tkir Hoshimov asarlarining frazeologik xususiyatlari... 150
Юсупов М.Р. Значение цитирования в ораторском искусстве (на материале выступления Ш.М. Мирзиёева на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат олий мажлиса)... 153
Zaripov R. Multilingvlar va bilingvlar nutqida lakunalar... 157
Жўрабоева Г. Ўзганд // Ўзган этнотопоними хусусида... 160
Низомиддинова Д. Фарғона вилояти ойконимларининг айрим лисоний хусусиятлари... 165
Husanxo‘jayev O. Nutqning asosiy xususiyatlari... 169
Qurbonova D., Kamoliddinova M. Turk tilida so‘zlarning turkumlanishi... 172
Низомова Ш., Боймуродова С. “Тазкираи Қаюмий»да тахаллусларнинг асар матласида қўлланиши... 175
Мамажонова М., Олимова М. Абдулла Авлонийнинг лингвистик ва педагогик қарашлари... 178
Otavaliyeva H. Hamid Olimjonning “Semurg‘ yoki Parizod va Bunyod” dostonida ibora, maqollarning qo‘llanishi... 181
Эргашева Ю. Ўзбек тили софлигини асраш ҳаммамизнинг бурчимиздир... 183
Hakimova D.M., Kamoliddinova M.N. O‘zbek va fransuz tillarida fe’lning ma’no guruhlari... 183

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Тожибоева М. Фитрат ижодида ислом тарихига оид қарашлар... 191
Юсупова Д. Арузшунослик тарихида доира талқини: муштарак ва фарқли жиҳатлар... 193
Зоҳидова Д. Ғарибий лирикасининг қофия хусусиятлари... 201

Гайипов Д. Огаҳий мустазодлари ҳақида... 204
Лафасов У., Фозилия М. Ўзбек насрида Абдулла Қодирийнинг ўрни... 208
Сулаймонов М. Ҳофиз Хоразмий “Девон”и нашрлари ҳақида... 213
Кийикбоев Ф.Қ., Тўхтасинова Ф. Ўзбек фольклорида оталар ва болалар муаммоси... 222
Тожибоева Д. Бадиий кўчим ифодасида услубий ўзига хослик... 225
Болтабоева О. Муҳаммадшариф Сўфизода адабий меросининг ўрганилиш тарихи... 229
Дўстова С. Лаффасийнинг тарихий асарлари тавсифи... 233
Улуқов Н., Холматова Ф. Ибратнинг ибратли ҳикматлари... 237
Алимова Н. Темур Пўлатов ижодида миллий руҳ ва маҳаллий колорит... 240
Сайдалиев С. Буюкларнинг буюклигини илғаш ёхуд Қодиржон Носировнинг “Оқиннинг доно сўзи” номли китобига тақриз... 244
Lafasov U., Mirsamadova S. Navoiydan bahra olganlar... 249
Ҳожиева М. Назирадан беназирлик сари... 253
Саидакбарова М. Имкон ва истеъдод... 256
Jo‘raboyeva S. Alisher Navoiyning “Sab’ayi sayyor” dostonida tashbeh san’ati... 259
Suyarova A. “Quyosh maskani” dostoni – istiqlol istagan ko‘ngil izhori... 263
Salohiddinova N. Farida Afro‘z she’riyatining ayrim jilolari... 267
Толибжанов Б., Хамрақулова Д. Инглиз эртакшунослиги ва унинг ривожланиш тарихи... 270
Сайдаҳмедова Н. Муҳаммад Юсуф шеъриятида аёллар тимсоли... 274
Файзуллаева Х. Постмодернистская природа романа А.Битова “Пушкинский дом”... 279
Сайдаҳмедова Н. Муҳаммад Юсуфнинг талмеҳ санъатидан фойдаланиш маҳорати... 282
Ismoilova O. Bir g‘azal tahlili... 287
Ismoilova Z. Talmeh san’ati tarovati... 289

ТАРЖИМАШУНОСЛИК

Sidiqov Q. Hikmatli so‘zlar tarjimasi muammolari... 292
Mamatova D., Mirsobitova S. The notion and peculiarties of language and psycholinguists... 296